O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 15-fevral • Payshanba • 20 (27.665) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

❖ **2007 ЙИЛ – «Ижтимоий ҳимоя йили»**

БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ночорларга ғамхўрлик кўрсатиш жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантирувчи муҳим омиллардандир. Президентимиз Ислом Каримов томонидан юритилаётган изчил ва кучли ижтимоий сиёсат самараларидан халқимизнинг ҳеч бир қатлами четда қолаётгани йўқ. Юртимизда, айниқса, жисмоний нуқсони борлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногирон ва қаровчисини йўқотганларга бу борада алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.



Пойтахтимиздаги Республика болалар ижтимоий мослашув маркази ана шундай эзгу ишларни амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган муассасалардандир.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида барча «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг ижтимоий аҳволини ва моддий-техник базасини танқидий кўриб чиқиш, шу асосда зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, етим-есир, қаровчисиз қолган болаларга эътиборни янада кучайтириш, бир сўз билан айтганда, «Сен ёлғиз эмассан» деган шиорни жамиятимиз ҳаётига чинакамига жорий этиш ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаган.

— Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари томонидан ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда, — деди мазкур марказ директорининг ўринбосари Жамолиддин Фозилов. — Жорий йилнинг юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши замирида ҳам ана шундай юксак ғамхўрлик мужассам.



Президентимизнинг 2007 йил 23 январда қабул қилинган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламини янада кенгайтириш, муҳтож тоифалар, жумладан, ногиронлар ва қаровчисини йўқотганларга кўрсатилаётган ёрдам самарадорлигини янада оширишга қаратилган. Ушбу дастурга мувофиқ «Меҳрибонлик» уйлари ҳамда махсус мактаб ва мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисини йўқотган болаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, соғлом авлодни камол топтириш чора-тадбирларини янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 сентябрдаги қарорига биноан ташкил этилган Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг фаолиятидан кўзланган асосий мақсад ҳам айнан ана шундай олижаноб ишларни амалга оширишдан иборатдир. Марказда фаолият юритаётган малакали ходимлар томонидан жисмоний нуқсони бор, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳаётга мослаштириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўриш, тарбияси оғир болалар муаммолари ўрганилиб, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилади, махсус тавсиялар ва лойиҳалар ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади. Бу борада марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ва Бош прокуратура билан самарали ҳамкорлик ўрнатган.

Ўтган йиллар мобайнида марказнинг юқори малакали педагоглари, психолог, социолог, дефектолог-логопедлари ва услубчилари жамоаси республикамиздаги барча «Меҳрибонлик», «Мурувват» уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатларда олиб борган тушунтириш ишлари, бераётган маслаҳат ва амалий ёрдамлари туфайли маънавий ва жисмоний мададга муҳтож юзлаб болалар соғлом ва тўкис ҳаёт кечиришга қайтди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 23-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиси Дмитрий Угачёв ана шундай болалардан бири. Жисмонан соғлом, бироқ эшитиш ва гапиришида нуқсони бор Дима икки йил илгари Республика болалар ижтимоий мослашув марказига даволаниш учун юборилган эди. Мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари бесамар кетмади — саккиз ёшга тўлган Д.Угачёв энди бемалол мулоқотга кириша олади, ўзи мустақил ёзади, ўқийди.

Марказ томонидан Ўзбекистон Болалар, «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамда бошқа кўплаб жамоат ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳар йили ташкил этилаётган халқаро форумлар болаларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимояси борасида хорижий тажрибасини ўрганиш ва уни амалда қўллашда катта аҳамият касб этмоқда. Марказ ходимлари Россия, Жанубий Корея, Швеция, Швейцария каби қатор давлатларда тажриба орттириб келгани ҳам бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилянти.

Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг бўлим мудири, психология фанлари номзоди Санобар Охунжонованинг айтишича, ота-онаси қарамоғидан жудо бўлган, ногирон, умуман, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни тарбиялаш, ҳаётга мослаштиришни оила шароитида амалга ошириш кўпроқ наф беради. Чунки оила муҳитида улғайган, ён-атрофидагиларнинг меҳри билан камолга етган бундай болалар махсус муассасаларда тарбияланганларга қараганда тезроқ соғаяди. Бу борада Ўзбекистонда тўпланган тажриба бугунги кунда дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида ҳам катта қизиқиш билан ўрганилаётгани эътиборга молик.

Бу Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини ҳамда «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси ташаббуси билан 2006 йилнинг ноябрида Тошкентда ўтган «Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ислоҳотлар» мавзуидаги халқаро форумда ҳам хорижлик иштирокчилар томонидан алоҳида таъкидланган эди.

Марказ ҳузурида яқинда ижтимоий хизмат кўрсатиш — Ахборот-консалтинг хизматининг ташкил этилиши ушбу муассаса иш кўлами ва самардорлигини янада ошириш имконини берди.

Тан олиш керак, барча ота-оналар ҳам фарзандини жисмоний нуқсонидан халос этиш учун қаерга, кимга мурожаат қилиш ва қандай даволаш мумкинлиги ҳақида етарлича маълумотга эга эмас. Ахборот-консалтинг хизматида фаолият кўрсатаётган малакали психолог, социолог, дефектолог-логопед ва ҳуқуқшунослар ота-оналарга фарзандларини ҳаётга мослаштириш борасида зарур маслаҳатлар ва амалий кўмак бермоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили»да Республика болалар ижтимоий мослашув маркази томонидан кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногирон, алоҳида эътиборга муҳтож болаларни соғломлаштириш, ҳаётга мослаштиришга қаратилган бу каби хайрли ишлар кўлами янада кенгаяди. Ёш авлодга кўрсатилаётган бундай улкан эътибор ва ғамхўрлик эса жамиятимизда ҳамжиҳатлиқ, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Жасур КЕНГБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Суратларда: *пойтахтимиздаги Республика болалар ижтимоий мослашув маркази биноси ва ҳовлиси.*

М.АМИН (ЎзА)
олган суратлар

«ПИРАМИДА» САБОҚЛАРИ

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги «Пирамида» сиҳатгоҳида «Ёшлар келажагимиз» мавзуида тадбир ташкил этди. Унда мамлакатимиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 120 нафар истеъдодли талаба, қўмита қошидаги «Ёш журналистлар клуби» аъзолари, маҳаллаларнинг фаол йигит-қизлари қатнашмоқдалар.

— Икки кунлик маданий тадбирда ёшларимиз учун психологик тренинглар ўтказиляпти. Ҳуқуқий саводхонлик, тиббий савияни ошириш учун тест синовлари ташкиллаштирилди, — дейди қўмитанинг маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Елена Азизова. — Зеро, бу истеъдодли йигит-қизлар эртамизнинг эгаларидир. Келажакда уларнинг жисмонан соғлом, маънан баркамол шахс бўлиб вояга етишларида маданий тадбирлар муҳим ўрин тутади.

Санда САЙХУН

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида белгиланганидек, «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт».

Ана шу норма асосида қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мамлакатимиз фуқароларининг мурожаат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатлари ҳамда механизмини мустаҳкамлаб берди.

«Фуқароларнинг мурожаатларига доир ишларни такомиллаштириш масалалари» мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбатида муҳокама предмети бўлди.

Давра суҳбати иштирокчилари шуни таъкидладиларки, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг нормалари талабларига мувофиқ фуқароларнинг мурожаатларини вақтида кўриб чиқиш юзасидан анчагина иш олиб бормоқдалар. Шу билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари баъзан бузилишига олиб келаётган сабаблар ва шароитлар аниқланмоқда ҳамда уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Ариза-мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида ва улар юзасидан қабул қилинган қарорлар тўғрисида муаллифларга ёзма равишда хабар қилинмоқда, иш юритиш тегишли тартибда олиб борилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори

2007 йил 12 февраль

2006 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА 2007 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2006 йилда:

— иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланди — ялпи ички маҳсулот 7,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 10,8 фоизга, истеъмол товарлари — 20,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш — 6,2 фоизга, пулли хизматлар — 19,3 фоизга, пудрат қурилиш ишлари — 12,8 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захиралари 1,6 баравардан зиёд ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз миқдоридаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси 6,8 фоизгача пасайди;

— инвестиция муҳити яхшиланди, хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш кўламлари ўсиб, ҳажми 25,4 фоизга кўпайди. Инвестициялар умумий ҳажмининг 68,3 фоизи ишлаб чиқариш секторига жалб этилди, технология паркини янгилашга ва янги асбоб-ускуналар сотиб олишга жами инвестицияларнинг қарийб 50 фоизи йўналтирилди;

— қишлоқ хўжалигида чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. 2006 йилда 666 та ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ҳисобига 74 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этилди, уларнинг ярмидан кўпроғи мева-сабзавотчилик йўналишидадир. Қишлоқда меҳнат кооперациясининг янги шакллари жорий этилди, мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштиришга ҳамда уларни чуқур қайта ишлашга ихтисослаштирилган қарийб 200 та агрофирма ташкил қилинди;

— ташқи иқтисодий фаолият кўламлари ўсди, товар маҳсулотлар экспорти ҳажми 31,5 фоизга кўпайди, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси қарийб 2 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди;

— аҳоли турмуш даражасининг ва иш билан банд этишнинг изчил ўсиши таъминланди. Ишлаётганларнинг реал иш ҳақи 36 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса ўртача 22 фоизга кўпайди. 2006 йилда 570 мингдан ортиқ иш ўринлари, шу жумладан касаначиликни йирик саноат корхоналари билан кооперациялаш ҳисобига 60 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди;

— таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги мақсадли умуммиллий дастурларни амалга оширишга катта эътибор қаратилди. 2006 йилда 8 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 6 та академик лицей ва 70 минг ўринли 124 та касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди, 61 та янги мактаб қурилди, 385 та мактаб мукаммал реконструкция қилинди ва 530 та мактаб таъмирланди.

Шу билан бирга, аҳолини иш билан банд этиш муаммоси кескинлигича қолмоқда, корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёни етарли суръатларда бормаяпти, асбоб-ускуналарнинг эскириш даражаси юқорилигича қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги хом ашёсини, энг аввало, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, деҳқон ва фермер хўжаликларини наслдор чорва моллари ва озуқалар, шунингдек зооветеринария хизмати билан таъминлаш муаммолари сусткашлик билан ҳал этилмоқда.

Фонд бозорида ва қимматли қоғозлар бозорида ишларнинг аҳволи қониқарсизлигича қолмоқда, акциядорлик жамиятларини корпоратив бошқариш тизимида жиддий камчиликлар мавжуд.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик потенциали тўлиқ даражада очилмаган ва сафарбар қилинмаган, унинг тузилмаси ва техник жиҳатдан жиҳозланганлик даражаси ўсиб бораётган талабларга жавоб бермайди. Давлат назорат органларининг корхоналар хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашуви давом этмоқда. Хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси ва сифати аҳолининг ортиб бораётган талабига мувофиқ эмас. Уй-жой ва коммунал хўжалигини бошқариш ва уларга хизмат кўрсатиш тизими янада ислоҳ қилишни талаб қилади.

Банкларнинг капиталлашув даражаси паст, банк хизматлари бозорида рақобат мавжуд эмас, банклар ўз капитали билан инвестиция жараёнларида суст қатнашмоқда.

2. Қуйидагилар 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари этиб белгилансин:

биринчидан, барқарор ва мувозанатлаштирилган ўсиш суръатларини, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилишни, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилашни, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришни таъминлаш;

иккинчидан, бизнес, энг аввало, хусусий бизнес учун мумкин қадар қулай шароитлар яратиш ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил пасайтириб бориш;

учинчидан, хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ишларини барча чоралар билан кучайтириш;

тўртинчидан, меҳнатга ҳақ тўлашни ва аҳоли турмуши сифатини изчил оширишни таъминлаш;

бешинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ушбу асосда аҳолини иш билан банд этиш ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш;

олтинчидан, банк-молия тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кўламларини кенгайтириш;

еттинчидан, коммунал хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш.

Белгиланган устувор йўналишларнинг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қарор қабул қилинди:

3. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўн кун муддатда кенгайтирилган мажлисларда 2006 йилда иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва соҳаларида, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишини танқидий таҳлил қилсинлар, белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб 2007 йилда уларни бажаришнинг аниқ муддатларини ва масъул бажарувчиларини белгиланган ҳолда комплекс чоратадбирлар дастурларини ишлаб чиқсинлар, шунингдек уларнинг сўзсиз бажарилишини назорат қилсинлар.

Белгиланган устувор йўналишларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича тармоқ ва ҳудудий дастурларнинг бажарилиши ҳар ойда Вазирлар Маҳкамаси Президиуми мажлисларида кўриб чиқилсин.

4. Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Марказий банк (Муллажонов) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан маъқулланган 2007 йилда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий параметрларига, тасдиқланган моддий ва қиймат балансилари кўрсаткичларига, иқтисодиётнинг мўлжалланган таркибий ўзгартиришига сўзсиз эришиш бўйича тизимли мониторинг олиб борсинлар ва ишларнинг самарали мувофиқлаштириб борилишини таъминласинлар.

Вазирлар Маҳкамаси 2007 йил иқтисодий дастурининг амалга оширилиши бўйича ишлар аҳволини, биринчи навбатда, белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга, молия-пул параметрларига ва инфляция даражасига эришилишини, дебиторлик-кредиторлик қарзлар билан боғлиқ ҳолатни ҳар ойда кўриб чиқсин.

Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 июндаги ПҚ-375-сон қарорида белгиланган мақсадли комплекс дастурларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни ҳар чоракда эшитиб бориш мажбурий ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Давлат статистика қўмитаси (Кудратов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2007 йилда умуман республика бўйича белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга сўзсиз эришишни таъминлайдиган ўсиш омиллари ва резервларини ҳисобга олган ҳолда, 2007 йил учун республика ҳудудлари бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот ва бошқа асосий кўрсаткичларни ўн кун муддатда чуқур таҳлил қилсинлар ва уларнинг ҳисоб-китобларини тайёрласинлар.

6. Вазирлар Маҳкамаси (Мирзиёев), Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Азимов), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ғаниев), Марказий банк (Муллажонов) тегишли уюшмалар, компаниялар, бошқа хўжалик бирлашмалари билан биргаликда 2007-2011 йиллар даврида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларини 2007 йил 1 майгача бўлган муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун киритсинлар.

7. Молия вазирлиги (Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ғаниев), Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев) ўз ишлаб чиқариш базасини доимий модернизация қилишни, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни амалга ошираётган корхоналар, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун рағбатлантириш, солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг самарали тизимини яратиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

(Давоми 2-бетда)

АХБОРОТ

Марказий Кенгаш кейинги пленумлари қарорларини бажариш бўйича фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича аниқ чоралар белгиланди.

Пленумда ташкилий масалалар кўрилди. И.А.Кочмарик ва Н.Ҳ.Каримов Ўзбекистон ХДП МК раисининг ўринбосарлиги вазифаси ва партия Марказий Кенгаши Ижроқўми аъзолигидан озод қилинди.

Пленум партия Марказий Кенгаши Ижроқўми аъзоси **Олим Поёнович Равшанов**ни Ўзбекистон ХДП МК раисининг ташкилий-кадрлар ишлари ва парламентчилик фаолияти бўйича ўринбосари этиб сайлади. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси **Баҳодир Эсонович Норов** Ижроқўм аъзоси ва Ўзбекистон ХДП МК раисининг ижтимоий сиёсат ва аҳоли банд лиги масалалари бўйича ўринбосари этиб сайланди.

Пленум шунингдек, партия устав фаолиятига тааллуқли қатор бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VI пленуми бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Халқ демократик партияси раҳбариятидаги ишлар ҳолати тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Пленум партия раҳбарияти олиб бораётган ишлар ва Ўзбекистон ХДП МК Ижроқўми ҳайъати фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларга принципиал ва холисона баҳо берди. Ушбу масала бўйича қабул қилинган қарорда ташкилий-кадрлар ва мафкуравий ишлар, минтақавий ва бошланғич партия ташкилотларининг партия V қурултойи ва

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори

2007 йил 12 февраль

2006 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА 2007 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

8. Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари комплекси (Мирзиёев), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Исмоилов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Азимов), Фермер хўжаликлари уюшмаси (Қобилов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2007-2011 йилларда қишлоқ хўжалигида таркибий қайта ўзгартиришлар ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг мамлакатдаги барча минтақаларни қамраб оладиган ҳамда қишлоқни юксалтириш комплекс чора-тадбирларини, шу жумладан қишлоқни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш учун зарур молия, солиқ имтиёзлари ва преференцияларини назарда тутувчи комплекс дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Дастурда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг бозор механизмлари ва иқтисодий методларини кенг жорий этиш, чорвачиликни ривожлантиришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишларини, зооветеринария хизматлари кўрсатишни, чорва озуқалари билан таъминлашни тубдан яхшилаш, пировард натижада қишлоқ аҳолиси даромадларини ва турмуши сифатини оширишга йўналтирилган кичик бизнесни, тадбиркорликни, касаначиликни жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш ҳамда замонавий техника билан жиҳозланган, хом ашёни, айниқса чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш бўйича кичик хусусий корхоналарни қуриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилсин.

9. Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (Арипов), Марказий банк (Муллажонов), Халқ таълими вазирлиги (Жўраев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (Қурбонов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Назиров), Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси (Файзуллаев), «Ўзбектуризм» компанияси (Ҳакимов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда 2006-2010 йилларда хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини танқидий кўриб чиқсинлар ва унга тузатишлар киритиш бўйича таклифлар киритсинлар. Дастурда 2007 йилда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириб унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 42-43 фоизгача етказиш, хизматларнинг янги, замонавий турларини кенг жорий этиш, ушбу соҳанинг аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этишдаги ролини ошириш чора-тадбирлари назарда тутилсин.

Дастурнинг бажарилиши ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

10. Молия вазирлиги (Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Республика йўл жамғармаси (Жўлибеков), «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси (Абдуллаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2010 йилгача бўлган даврда автомобиль йўлларини ривожлантириш концепциясида 2007 йил учун назарда тутилган халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, замонавий логистика марказларини шакллантириш бўйича топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2007 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ахборот берилсин.

11. Республика тендер комиссияси (Азимов), Давлат мулки қўмитаси (Мусаев), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов) бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

йирик, стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг давлат активлари ва акциялари пакетларини, шу жумладан давлат акцияларининг назорат пакетларини, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида ушбу корхоналарни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни бошқаришга замонавий менежментни жорий этишни назарда тутувчи аниқ инвестиция мажбуриятлари остида асосан хорижий инвесторларга хусусий мулк қилиб сотиш рўйхатини тубдан кенгайтирган ҳолда амалдаги 2006-2008 йилларда Хусусийлаштириш дастурини қайта кўриб чиқиш;

иқтисодий ночор акциядорлик жамиятларига нисбатан банкротлик механизмини фаоллаштириш ҳамда уларни кейинчалик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган ўрта муддатли ва узоқ муддатли инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан хусусий инвесторларга сотиш бўйича таклифлар киритсинлар.

12. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев) Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ганиев), Давлат мулки қўмитаси (Мусаев) уюшмалар, компаниялар, бошқа хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар билан биргаликда трансмиллий корпорациялар билан кооперация алоқаларини кучайтириш ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мақсадга мувофиқ деб топилганда эса улар таркибига кириш бўйича таклифларни икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р.Шаисматов, Молия вазирлиги (Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси (Аҳмедов):

бир ой муддатда «Кўқдумалоқ» конидаги ишларнинг аҳволини танқидий ва муфассал ўрганиб чиқсинлар, суюқ углеводородлар қазиб олишни барқарорлаштириш бўйича қўшимча тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар;

углеводород хом ашё захиралари уни қазиб олиш даражасига нисбатан жадал ўсишини таъминлайдиган геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича хорижий инвесторлар иштирокидаги лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидан қатъий мониторинг ўрнатсинлар. Хорижий инвесторлар томонидан олинган мажбуриятлар бузилган тақдирда маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги шартномаларни бекор қилиш ҳақида таклифлар киритилсин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

14. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев Адлия вазирлиги (Отахонов), Олий хўжалик суди (Ишметов)-ни жалб этган ҳолда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, бизнеснинг ихтиёрий ёпилиши ва тугатилиши тартиб-қоидасини тартибга солишни, фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига турли рухсатномалар ва лицензиялар бериш амалиётини кескин қисқартиришни, шунингдек Суд қарорлари ижроси департаменти фаолияти самарадорлигини оширишни икки ой муддатда танқидий ўрганиб чиқсин ва улар бўйича қонунчиликни янада мустаҳкамлашга йўналтирилган янги қонунчилик нормаларини ишлаб чиқиш ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиш юзасидан аниқ таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев, Гадоев), Давлат божхона қўмитаси (Носиров):

Солиқ академияси ва Олий ҳарбий божхона институти фаолиятини ташкил этишни яхшилаш, ўқитиш ва тарбиявий ишлар даражаси ва сифатини ошириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш, педагоглар таркибини солиқ ва божхона органларида иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2007 йил 1 майгача бўлган муддатда ахборот берилсин;

шахсий таркибга нисбатан талабчанликни оширсинлар ва улар ўртасида олиб борилаётган ишларни кучайтирсинлар, солиқ ва божхона органларини ихтисослаштирилган ўқув юртларида ўқиган, юқори малакали, профессионал жиҳатдан тайёр, ҳалол, ўз ишига содиқ ва масъулиятли ходимлар билан тўлдиришни таъминласинлар.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Отахонов), Бош прокуратура (Қодиров), Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев), Давлат божхона қўмитаси (Носиров) сифатсиз спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарилганлиги ёхуд улар республикага олиб кирилганлиги учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтириш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

17. Молия вазирлиги (Азимов) Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев) ва Марказий банк (Муллажонов) билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва аҳолига бошқа тўловларни тегишли равишда кўпайтирган ҳолда 2010 йилга бориб ўртача иш ҳақи 2,5 баравар барқарор ошишини таъминлайдиган аниқ чора-тадбирлар бўйича асосли таклифларни бир ой муддатда тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Хаитов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Давлат статистика қўмитаси (Кудратов), Адлия вазирлиги (Отахонов) амалдаги қонун ҳужжатларига ҳудудлар бўйича меҳнат билан банд бўлмаган ва ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли тоифаларини аниқ белгилайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан белгиланган нормалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқиш методикаси бўйича бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

19. Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Азимов), Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев), Давлат мулки қўмитаси (Мусаев), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштиришни янада рағбатлантириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар. Ҳукумат қарори лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилсин:

кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ўрни ва ролини қатъий ва изчил ошириш, 2010 йилга бориб унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 50-52 фоизга етказиш, экспорт ҳажмини кўпайтириш;

кичик бизнеснинг техник ва технологик тузилмасини яхшилаш, юқори технологияли ишлаб чиқаришларга жадал ўтиш, бозор талаби ўзгариши ҳисобга олинган ҳолда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган замонавий асбоб-ускуналар, ихчам ва мослашувчан технологиялар билан жиҳозлаш;

машинасозлик ва металлга ишлов беришда, енгил саноатда, айниқса трикотаж, тикув ва пойабзал саноатида, шунингдек қурилиш материаллари саноатида кичик корхоналар ташкил этиш кўламларини кенгайтириш;

кичик бизнесда юқори профессионал интеллектуал меҳнатдан кенг фойдаланиш, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини жорий этиш.

20. Адлия вазирлиги (Отахонов), Молия вазирлиги (Азимов), Фермер хўжаликлари уюшмаси (Қобилов), Савдо-саноат палатаси (Шайхов) Бош прокуратура (Қодиров) билан биргаликда бир ой муддатда давлат назорат органларининг корхоналар хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашишга уринишларини маъмурий ва суд тартибида жазолашни қатъийлаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича, уларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кўриб чиқиш учун, таклифлар киритсинлар.

21. Молия вазирлиги (Азимов) аудиторлик фаолияти ва суғурта соҳасидаги ишларнинг аҳволини, шунингдек умуман молиявий инфратузилмани ривожлантириш самарадорлигини танқидий баҳоласин ва бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига фаолиятнинг ушбу турларини янада такомиллаштириш ва тадбиркорлик тузилмаларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан аниқ таклифлар киритсин.

22. Марказий банк (Муллажонов), Молия вазирлиги (Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (Арипов), Давлат мулки қўмитаси (Мусаев) тижорат банклари ва лизинг компаниялари билан биргаликда бир ой муддатда банкларга бўлган ишончни ошириш, банк-молия тизимида ислоҳотлар кўламларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Комплекс тадбирлар қуйидагиларга йўналтирилсин:

устав сармояларини кўпайтириш ҳисобига банкларнинг капиталлашуви даражасини ошириш, аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва потенциал инвесторларнинг, шу жумладан хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорларида фаол жойлаштириш;

инвестиция жараёнларида, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда банкларнинг ўз сармояси билан кенг иштирок этишини таъминлаш;

нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш, мижозларнинг биринчи талаби бўйича нақд пул билан узлуксиз ва сўзсиз таъминлаш;

мини-банклар тармоғини ва банклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш.

23. Марказий банк (Муллажонов) Адлия вазирлиги (Отахонов), Давлат мулки қўмитаси (Мусаев), бошқа манфаатдор идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликни танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятида тижорат банкларининг кенг ва фаол иштирок этиши учун ҳуқуқий шарт-шароитларни шакллантиришга доир аниқ таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари (Ханов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Хўжаев), «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (Холмуҳамедов) «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси (Холматов), «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси (Тешабоев), «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси (Вагапов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Коммунал соҳани янада ислоҳ қилиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш, буғқозонларни ва иссиқлик таъминоти тизимларини модернизация қилиш дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Дастурда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини янада ихчамлаштиришга; ширкатлар билан коммунал ва таъмирлаш-қурилиш хизматлари кўрсатаётган корхоналар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашга; истеъмолчиларни иссиқлик ва сув билан узлуксиз ва сифатли таъминлаш учун иссиқлик ва сув таъминоти корхоналари ходимларининг масъулиятини ошириш ва уларни рағбатлантиришнинг аниқ механизмини жорий этишга; ёқилғининг муқобил турларини қўллаган ҳамда маънавий эскирган тежамсиз буғқозонларни алмаштирган ҳолда иситиш ва иссиқ сув таъминотининг маҳаллий тизимларига босқичма-босқич ўтишга алоҳида эътибор берилсин.

Мазкур топшириқнинг бажарилиши 2007 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида танқидий муҳокама қилинсин.


25. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, ноҳукумат жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг бўлимлари ва бандлари белгиланган муддатларда тўлиқ ва сўзсиз бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсинлар. Бунда янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишга ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларининг аниқлигини, табақалаштирилишини ва самарадорлигини оширишга, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими органлари фаолиятини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор берилсин.

Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) Дастурга киритилган чора-тадбирлар амалга оширилиши устидан доимий назорат ўрнатсин ва унинг натижаларини Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида ҳар чоракда кўриб чиқсин.

26. Мазкур мажлис қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

МАМЛАКАТ. МАКТАБ. МУАЛЛИМ



Маълумки, бугунги ахборот асрида информатика фанининг ўрни беқиёс. Президентимиз 2005 йил 25 апрелда «Ўзкўргазмасавдо»да ташкил этилган мактаб мебеллари ва ўқув лабораторияси жиҳозлари кўргазмаси фаолияти билан танишар экан, мактабларда мазкур фанни ўқитишни янада такомиллаштириш ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтган эдилар. Шундан сўнг мактабларда 5-синф ўқувчиларига информатика фани киритилди ва 5, 6, 7-синфлар учун Давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда Юнусобод туманидаги 235-мактабда ҳам мазкур фан сирларини чуқур ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ёш, изланувчан ўқитувчи Гуллола Юсупованинг дарс жараёнидаги тажрибалари алоҳида эътиборга лойиқ.

— Мактабимиз капитал таъмирдан чиқарилгандан сўнг энг сўнгги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланган компьютер синфига эга бўлдик, — дейди мактаб директори Мўмина Сулаймонова. — Бу ерда информатика фани ўқитувчиси Гуллола Юсупова ўз машғулотларини янги педагогик технологиялардан, хусусан, электрон дарсликлардан фойдаланган ҳолда ўтади.

Шуниси қувончлики, яқинда Гуллола Юсупова «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танловининг туман босқичида иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади. Унинг ютуқларида, шубҳасиз изланувчанлиги, тиришқоқлиги, ўз устида тинмай ишлаши катта аҳамиятга эга. Айни пайтда у танловнинг шаҳар босқичида қатнашиш учун тайёргарлик кўрмоқда.

✧✧✧

Суратда: *информатика фани ўқитувчиси Гуллола Юсупова шогирдлари билан.*

❖ Банк ва мижоз

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида шундай деди: «Бир сўз билан айтганда — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинга айланмоқда.

Айни пайтда у иқтисодиётни изчил ривожлантиришнинг энг муҳим омили, жамиятимиз ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати, мамлакатимизни тараққиёт йўлидан олға етаклайдиган фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда».

Бу соҳани сармоялар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган «Микрокредитбанк» қисқа муддат ичида халқ орасида танилди ва аҳоли ишончини қозониб келмоқда. Жамоатчи мухбиримиз банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Мақсудбек ИБРОҲИМОВ билан суҳбатлашди.

МИКРОМОЛИЯ

КИЧИК БИЗНЕС, ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ҲАМДА ОИЛАВИЙ

— Тадбиркорлик турмуш тарзимизга айланди, — деди Мақсудбек Машарипович. — Бугун ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 42 фоизидан кўпи айнан кичик бизнес зиммасига тўғри келмоқда.

Эндиги вазифа тадбиркорлик кўламларини кенгайтириш, айниқса, ишчи кучларидан унумли фойдаланиш, ҳатто уйда бола парвариши билан вақтинча банд бўлган хотин-қизларимизни ҳам ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишдан иборатдир. Тадбиркорликни изга солиш учун зарур бўладиган бошланғич сармояларни ажратиш ва кичик технологиялар, машина-механизмларни олиб бериш учун лизинг хизматини йўлга қўйиш зарур бўлади. Ана шу зарурат туфайли Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони билан «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ташкил этилди. Унинг асосий мақсади — кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш деб белгиланди.

— «Микрокредитбанк» республикамизда олиб борилаётган пул-кредит, валюта сиёсатини амалга оширишга қандай ҳисса қўшмоқда?

— «Микрокредитбанк» республикамизнинг энг чекка ҳудудларигача, у ерда яшаётган ҳар бир хонадонгача кириб бориши ва уларни микромолиявий хизматлардан баҳраманд этиши зарур. Ҳозир банк қарийб 90 минг мижозга эга. Уларнинг нақд пулга бўлган талаблари ойма-ой қондириб келинмоқда. Ўтган 2006 йилнинг декабрь ойида нақд пулнинг қайтариш коэффициенти 104,4 фоизга тенг бўлди. Бу эса банкимизнинг барча туман филиаллари нақд пулга бўлган талабни ўзи қоплагани ва ишни эмиссиясиз ташкил этганидан далолат беради. Бундай барқарорлик ҳолати яратилишида кўрилган барча чора-тадбирлар таркибида аҳолининг нақд пул билан қиладиган ҳисоб-китобларини пластик карточкалар орқали, нақд пулсиз амалга ошириш катта аҳамият касб этмоқда. Жорий йил бошида 2006 йилнинг 1 июль ҳолатига нисбатан банкимиз филиаллари орқали пластик карточкалар 34,2 фоиз кўп тарқатилди. Улар билан ўтказиладиган транзакциялар ҳам ошмоқда. Ўтган йилнинг дастлабки 6 ойида бу кўрсаткич 2062,6 миллион сўмни ташкил этган бўлса, иккинчи ярим йилликда жами 5655,8 миллион сўмлик ҳисоб-китоблар пластик карточкалар орқали амалга оширилган. Муҳими, пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш фермер хўжаликларига қулай келмоқда.

Бу тадбир пул оқимини барқарорлаштириш билан биргаликда савдо шохобчалари ва банк филиалларида қўшимча муомала харажатларининг камайишига олиб келаяпти. Банкимиз бўлимлари келажакда туман марказлари ва аҳоли гавжум жойларда фермерларнинг дала савдо шохобчаларини очиш, терминаллар ўрнатиш таклифлари билан чиқмоқдалар. Бундай электрон ҳамёнлар орқали ҳисоблашиш бугунги кунда мамлакат ички тўлов айланмасида муҳим восита бўлиб қолаяпти.

Банкдан ташқари пул оборотини қисқартириш мақсадида 13 та янги омонат тури жорий этилди. Аҳоли омонатларининг қолдиғи ўтган йилнинг охирги олти ойида 34 фоизга ошди. Бир вақтнинг ўзида банк фоизлари ҳисобига аҳоли даромади 22-24 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Банкнинг республика бўйича мавжуд 75 филиали ва 243 мини-банкида жами 99 валюта айирбошлаш шохобчаси ишлаб турибди. Шунингдек, нақд чет эл валютасида пул кўчиришни йўлга қўйдик.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбирда фуқароларнинг мурожаатлари билан олиб борилаётган ишлардаги мавжуд камчиликлар ҳам айтиб ўтилди. Чунончи, Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимликларида мазкур масала 2006 йилнинг декабрида ўрганилганда Қонуннинг фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда мурожаат этганларга ёзма равишда жавоб юбориш муддатларига, тааллуқлилик қоидаларига доир талабларини бузиш ҳоллари, шунингдек, мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан лозим даражадаги назорат йўқлиги аниқланди. Юқорида зикр этилган минтақаларда мазкур Қонун нормалари бузилганлигига оид айрим фактлар бўйича прокуратура органлари томонидан ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилди.

Анжуман иштирокчилари фуқароларнинг мурожаатлари билан олиб бориладиган ишларни такомиллаштириш, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг ижро этилишига доир чораларни кучайтириш, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг, мансабдор шахсларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш билан боғлиқ масалаларни атрофлича ва муфассал тарзда муҳокама этдилар. Ижро этувчи ва вакиллик ҳокимияти органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнини яхшилашга, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши олдини олишга, ана шу масалаларда мазкур Қонун нормаларининг талаблари оғишмай бажарилишини таъминлашга қаратилган биргаликдаги фаолиятини янада кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Баҳс-мунозаралар мобайнида давра суҳбати иштирокчилари «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш механизмини янада такомиллаштиришга, вазирлик ва идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар нинг мурожаатлари билан олиб бориладиган ишлари шакл ва усулларини сифат жиҳатидан яхшилашга қаратилган таклифлар билдирдилар ҳамда тавсиялар қабул қилдилар.

Йиғилишда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Адлия, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, халқ депутатлари Бухоро, Хоразм, Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институти, Тошкент давлат юридик институти, ИИВ Академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, «Ижтимоий фикр» маркази, «Маҳалла» жамғармаси, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

ҚИШЛОҚДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

«Ижтимоий ҳимоя йили»да Наманган вилоятида ўн иккита янги касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилади. Ҳозир улардан бири Наманган туманида қурилмоқда.

Бош пудратчи — «Наманган жамоа қурилиш» уюшмаси ҳузуридаги «Қурувчи» масъулияти чекланган жамияти қурувчи ва монтажчилари бу объектда жадал суръатда иш олиб бормоқда.

Янги ўқув йили бошигача тўрт гектардан ортиқ майдонда саноат, транспорт ва алоқа коллежи бунёд этилади. Хонобод, Қоратепа, Курмак, Қипчоқ қишлоқларидаги 550 дан ортиқ йигит-қиз замонавий мутахассисликларни эгаллаш имкониятига эга бўлади.

Коллежда асосий ўқув биносидан ташқари замонавий ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари, кутубхона, компьютер синфи, спорт зали, ошхона бўлади. Ҳовлида эса футбол, баскетбол ва теннис майдончалари жойлашади.

Илҳом РАЗЗОҚОВ, ЎзА мухбири

АДАБИЙ КЕЧА

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 286-ўрта таълим мактабида ҳассос шоир, саркарда ҳамда давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Анжуманда таниқли ёзувчи ва адиблар, туман ҳокимлиги ҳамда маҳалла хотин-қизлар қўмиталари вакиллари иштирок этдилар. Болалар шоири Миразиз Аъзам, шоира Саломат Вафо ва Ҳалима Жуманиёзовалар бобокалонимизнинг босиб ўтган машаққатли ҳаёт йўли, бебаҳо асарлари, шоир ижодининг биз билган ва билмаган қирралари хусусида сўз юритдилар.

Мактабнинг адабиётга иҳлосманд ўқувчилари шоир ижодидан намуналар ўқидилар, жасур саркарданинг ҳаётини акс эттирувчи саҳна кўринишларини намойиш этдилар.

Бинобарин, беназир салоҳият соҳиби Бобур ижоди ва ҳаётига бағишланган адабий кеча ёшлар онгида она-Ватанга содиқ ўғлон бўлиш, юртга меҳр, элга муҳаббат туйғуларини янада мустаҳкамлаши, шубҳасиз.

Дилфуза МИРЗАКАРИМОВА

ФАРҒОНАЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР ПОЙТАХТДА

Яқинда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими ташаббуси билан бир гуруҳ журналистлар пойтахтга ижодий сафарга келдилар. Бир ҳафтага мўлжалланган ушбу тадбирнинг биринчи куни ижодкорлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ташкил этилган «Парламент ва оммавий ахборот воситалари» мавзуидаги давра суҳбатида иштирок этишди.

Унда сўзга чиққанлар жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ОАВларга қўйилган талаблар, марказий ва маҳаллий матбуотнинг аҳволи, режалаштирилаётган ижобий тадбирлар ҳақида тўхталдилар, журналистлар ўзаро фикр алмашдилар. Шунингдек, депутатлар янги таҳририятлар тўғрисида»ги Қонуннинг аҳамияти хусусида ҳам гапирдилар.

Тадбирнинг иккинчи куни ижодий жамоа марказий газеталар таҳририятларига бўлиниб, улар фаолияти билан танишиш, тажриба алмашишга киришди. Бундан ташқари, ушбу тадбир давомида олий ўқув юртлари талаба-ёшлари билан учрашувлар, жонли мулоқотлар ўтказиш ҳам мўлжалланган.

Мухтасар ИСАҚОВА

❖ Шарҳ

ХАЛҚАРО КЕЛИШУВ

XORIJDA

БУНГА ЭРИШИШ УЧУН 13 ЙИЛ КЕРАК БЎЛДИ

Шимолий Кореянинг ядро муаммоларини бартараф этиш масалалари шунча йилдан бери бир жойда «депсиниб» келди. Уни ижобий ўзанга буриш халқаро ҳамжамиятнинг, аниқроғи, бу муаммони ҳал этишга бош қўшган давлатларнинг қўлидан келмади.

Аслида, Корея Халқ Демократик Республикасининг ядро дастури билан боғлиқ муаммо қачон пайдо бўлган эди? Бу саволнинг жавоби ўтган асрнинг 1994 йилида юз берган воқеаларни хотирага солади. Ўшанда Корея ярим оролида илк бор ядро муаммоси вужудга келганди. АҚШнинг ўша пайтдаги президенти Билл Клинтон бошчилигидаги маъмурият КХДР вакиллари билан Женевада учрашиб, Йонбендаги ядро реакторини «музлатиш», унинг ўрнига АҚШ бошчилигидаги халқаро консорциум ёрдамида «енгил сув»да ишловчи иккита реакторли АЭС қуриб бериш ҳақида келишиб олган эди. Биринчи реактор ишга туширилгунча Шимолий Кореянинг иссиқлик электр станциялари учун мазут етказиб беришни АҚШ ўз зиммасига олган эди. Шу кўйи ишлар бошланди. Аммо АҚШда ҳокимият ўзгариши юз бергач, яъни Билл Клинтон маъмурияти ҳокимиятдан кетгач, бу борадаги ишлар тўхтаб қолди. АЭС қурилиши эса пойдевори тикланганича «музлади».

Ачинарлиси шу бўлдики, АҚШнинг кейинги янги ҳокимияти билан КХДР ўртасида келишмовчиликлар юзага кела бошлади, икки ўртада совуқ муносабат қарор топди ва у неча йиллардан бери ўз ҳукмини ўтказиб келмоқда. Ниҳоят мана энди вазият бир оз юмшагандек бўлди.

Шимолий Корея ядро муаммоси бўйича шу йил 8 февралдан 13 февралгача давом этган олти томонлама музокаралар иштирокчилари ниҳоят бир тўхтамга келишди. Биламизки, бу музокаралар олтита давлат — Россия, АҚШ, Хитой, Япония, Жанубий Корея ва Шимолий Корея мамлакатлари делегациялари иштирокида 2003 йилдан бери давом этиб келади ва ҳар сафар самарасиз якунланарди. Ҳатто, 2005 йил охиридан 2006 йилнинг охиригача Шимолий Корея музокараларда иштирок этишдан бош тортиб келди. Негаки, АҚШ 2005 йил охирида КХДРнинг халқаро ҳисоб рақамларини «музлатиб» қўйган эди. 2006 йил октябрда эса КХДР шу пайтгача яширин олиб борган ядро тадқиқотлари самарасини ошкор этди, яъни ерости ядро синовларини ўтказди. Бу эса унинг ядро дастури билан боғлиқ халқаро вазиятни янада чигаллаштириб юборди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши Шимолий Кореяга нисбатан санкция жорий этди. Шундан сўнггина КХДР вакиллари «олтилик» музокараларига қайтишга рози бўлди. Аммо томонлар яна келиша олмадилар, яъни 2006 йил охирида бошланган музокараларнинг навбатдаги босқичи 18 декабрь куни самарасиз якунланди. Сўнг жорий йил февраль ойи бошида музокараларнинг учинчи босқич бешинчи раунди бошланди. Бу гал ҳам музокаралар жараёни охирига етмай тўхтаб қолиши ҳақида башоратлар бўлган эди. Бироқ ҳартугул КХДР делегацияси «олтилик» талабларини қабул қила билди ва ўзларининг талабларини ҳам «олтилик» иштирокчиларига ўтказа олди.

Гап шундаки, Шимолий Корея Йонбендаги ядро объектини 60 кун ичида Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) назорати остида ёпишга рози бўлди. Музокараларнинг якуний хулосаси бўйича ёзилган баёнотда қайд этилишича, КХДР музокара иштирокчиларига ўзининг ядро дастури бўйича барча рўйхат-ҳужжатларини тақдим этади.

Бу ишларнинг биринчи босқичида КХДР ўзининг ядро объектини «музлатиш» амалларини бажаради. Ядро дастури «музлатилгач», «олтилик» томонидан КХДРга 50 минг тонна энергия манбаси — мазут, кўмир, газ ва электр энергия (мазут эквивалентида) етказиб берилади. Шундан сўнг иккинчи босқич бошланади, яъни ядро объекти тўлиқ ишламайдиган ҳолга келтирилади. Бунинг эвазига компенсация миқдори янада ошади, яъни йилига 950 минг тонна. Шундай қилиб, КХДРга ёрдам 1 миллион тонна энергия манбасини ташкил этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, музокаралар пайтида КХДР ядро дастурини «музлатиш» эвазига йилига 2 миллион тоннадан ортиқ энергия манбасини талаб қилган эди. Лекин томонлар ўзаро мақбул йўлни топа билдилар.

Шундай қилиб, халқаро музокаралар ижобий тус ола бошлади. Бироқ, Россия делегацияси раҳбари Александр Лосюковнинг фикрича, Корея ярим оролидаги ядро муаммоси тўлиқ бартараф этилишига ҳали анча бор. Негаки, БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўтган йил КХДРга нисбатан жорий этган санкцияни бекор қилиш ёки қилмаслик масаласи ва шунга ўхшаш бошқа масалалар ҳам борки, улар олти томонлама музокараларнинг шу йил 19 мартда давом этадиган навбатдаги босқичида муҳокама этилади. Ўйлаймизки, бу музокаралар ядросиз олам сари янги қадам ташлашга замин яратади.

Алимқул СУЛТОН



ЧЕГАРА ЁПИЛАДИ

Хитой маъмурияти мамлакатда анъанавий баҳор байрами ўтказилиши муносабати билан Қирғизистон чегарасидаги «Торугарт» чегара-ўтиш пунктини вақтинча ёпиш ҳақида қарор қабул қилди.

Шундай қилиб, 17 февралдан 25 февралгача чегаралар ёпилади.

Қирғизистон чегара хизматининг матбуот хизматидан маълум қилишларича, бундай амалиёт анъана бўлиб қолган. Масалан, қўшни давлат йилномасига кўра, январь охирида у ерда Янги йил байрами ўтказилиши муносабати билан 28 январдан 6 февралгача ҳам чегаралар ёпилган.

БОШ КИЙИМ БИЛАН

Қозоғистон Адлия вазирлиги фуқаролар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар, жумладан, паспорт учун бош кийимда суратга тушишга рухсат берди.

Бу борадаги тартиб-қоидаларга ўзгартиш киритиш ҳақидаги буйруққа республика адлия вазири Загип Болиев имзо чекди, дейилади «Kazakhstan today» тарқатган ахборотда.

ДУНЁДА ИЛК БОР

Мадриддаги Грегорио Маранён госпиталида тиббиёт амалиётида биринчи бор тана ҳужайралари юракка кўчириб ўтказилди, яъни қорин атрофидаги 300 грамм ёғнинг 28 миллионта ҳужайраси катетр ёрдамида юракнинг шикастланган жойига кўчириб ўтказилди.

Испаниянинг «СЕР» радиостанцияси тарқатган хабарга кўра, бу мураккаб операция жараёнини доктор Фернандо Авилес билан америкалик кардиолог Эмерсен Перинлар амалга оширишди. Уларнинг айтишларича, айнан қорин ёғидаги ҳужайралар тўқималардаги шикастланган жойларни қайта тиклаш «қобилияти»га эга. Улар ҳатто юракдаги шикаста жойларни ҳам «даволай» олади.

МДҲ ТАРКИБИДАН ЧИҚИШ УЧУН

Грузиянинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидан чиқиши борасида мухолифат томонидан тайёрланган қарор лойиҳаси мамлакат парламентида муҳокама этилиб, уни овозга қўйиш масаласи кейинга қолдирилди.

Бунинг учун 134 депутат овоз берди, 24 депутат эса кейинга қолдирилишига қарши чиқди. Депутат Мая Надирадзенинг айтишича, Грузиянинг МДҲ таркибидан чиқиши ҳозирча мақсадга мувофиқ эмас.



Парламентда «Грузия МДҲ аъзоси бўла туриб, келажакда НАТОга ҳам аъзо бўлишини қандай тушуниш мумкин?» деган саволлар ҳам ўртага ташланди.

Парламент спикери Нино Буржанадзе бунга жавобан «Мен бу борада номувофиқлик юзага келишига кўп ҳам ишонавермайман. Биз МДҲ таркибидан сизлар истаган пайтда эмас, балки қачон Грузия учун заруратга айланган пайтда чиқамиз» деди.

Бу ҳақда «Новости-Грузия» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

ЭПИДЕМИЯ ХАВФ СОЛМОҚДА

Перуда денге безгаги эпидемияси хавфи борлиги эълон қилинди.

Мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, Перунинг 24 та департаментидан 11 тасида юзлаб безгакка чалинганлар бор. Ла Либертад департаментида эса икки нафар киши айнан шу касалликдан нобуд бўлди.

Соғлиқни сақлаш вазири Карлос Вальехолнинг журналистларга маълум қилишича, безгак тарқалишининг олдини олиш бўйича оммавий чора-тадбирлар қўллаш ҳақида қарор қабул қилинди. Жумладан, чивинлар яшайдиган жойларда тутатқиларни тутатиш бошланди. Бу ишга ҳатто армия бўлинмалари ҳам жалб этилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кейинги йилларда денге безгаги сайёрамиз учун жиддий муаммолар туғдираётганидан ташвишга тушмоқда. Ҳисоботларда қайд этилишича, ҳар йили дунё бўйича 50-100 миллион киши денге безгаги билан касалланади. Шундан 25 минги ҳаётдан кўз юмади. Бу касалликнинг асосий тарқатувчиси чивинлардир.

Тендерная комиссия ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари»

объявляет тендер №3 на 2007 год, на приобретение нижеследующих запасных частей грузовых вагонов с поставкой согласно графика (1-3 квартал 2007 года):

1. Ось (чистовая) РУ-1Ш чертеж №100.10.049-0, 100.013-05 ГОСТ 22780-93 в количестве 2 292 штук.
2. Подшипник буксовый 30-42726 в количестве 4 584 штук.
3. Подшипник буксовый 30-232726 в количестве 4 584 штук.
4. Автосцепка СА-3 чертеж № 106.01.000-0 сб в количестве 1500 штук.
5. Тяговый хомут чертеж № 106.00.001-2 в количестве 1300 штук.
6. Тормозной цилиндр №188Б в количестве 600 штук.
7. Букса грузового вагона в количестве 4 584 штук в следующей комплектации;

а) Корпус буксы с лабиринтом чертеж № 100.10.020-0 сб.
б) Кольцо лабиринтное чертеж № 100.10.007-1.
в) Гайка торцевая чертеж № 100.10.012-2.
г) Шайба крепительная тарельчатая чертеж № 100.10.051-0.
д) Планка стопорная чертеж № 100.10.004-0.

За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул.Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» управление «Темирйўлёнилғитаъмин», комната 410.

тел.: 138-84-72, 138-86-34.

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.



ХИЗМАТИ

БИЗНЕС РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Банкимиз валюта бозорида фақат чакана амаллар билан чекланиб қолмай, корпоратив мижозларимиз учун валюта биржаси орқали миллий пулимизнинг жорий операциялар бўйича конвертациясини ҳам амалга ошириб бормоқда. Мижозларимизнинг экспорт операцияларини амалга оширишлари учун ҳар томонлама консалтинг хизматлари кўрсатмоқда. Жумладан, хусусий тадбиркорга ёки кичик корхонага бошланғич сармоя ва айланма маблағини тўлдириш учун кредит бериш билан бирга ишлаб чиқарган товарини қайси бозорда сотиши, қандай сифат сертификати билан қайси мамлакатларга экспорт қилиши мумкинлиги хусусида бепул маслаҳатлар берамиз. Мижозларимизнинг халқаро ҳисоб-китобларда хавфсиз ва тезроқ пул ўтказишларини амалга оширишни таъминлаш учун Германиянинг «Коммерцбанк» ва АҚШнинг «ЖП Морган» банклари билан вакиллик ҳисоб варақлари ўрнатдик ҳамда SIVT тўлов тизимини жорий қилдик. Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатишни янада кенгайтириш мақсадида халқаро молия институтлари, жумладан, Ислом тараққиёт банки билан 4 миллион АҚШ доллари миқдорида 25 йил муддатга имтиёзли кредит линияси очиш юзасидан меморандум имзоланди. Микрокредитлаш тизимини оммалаштириш, кенг жамоатчиликка тушунтириш ишларини ташкил қилиш курсларида ўқитиш ва консалтинг хизматлари кўрсатиш бўйича Россия Федерациясининг микромолиялаш марказлари билан ўзаро ҳамкорлик бўйича шартнома имзоладик. Бугунги кунда БМТ Тараққиёт дастурининг Микромолиялаш лойиҳаси билан микрокредитлашни тарғиб ва ташвиқ қилиш юзасидан грант олиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

— ***Айни кунларда сармоялар самарадорлигини таъминлаш учун қандай йўналишларда иш олиб борилмоқда?***

— Бизга мурожаат қилаётган фуқароларнинг талабларидан келиб чиқиб, икки йўналишда иш олиб бормоқдамиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Банклар уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда, биринчи навбатда қишлоқ жойларда микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби, тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, касаначилик билан шуғулланувчилар, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалигида банд бўлганлар томонидан микрокредитлар олиш учун бизнес-режалар тайёрлаш бўйича доимий асосда семинарлар ва ўқув курслари ташкил қилдик. Бундан ташқари, аёлларни иқтисодий фаолиятдаги иштирокини ошириш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий кўмак бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Марказий банки ҳамда Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда республикамизнинг 149 та туман ва шаҳарларида амалий семинарлар ташкил қилинди. Мазкур семинарларда 12500 дан ортиқ хотин-қиз иштирок этди.

Иккинчидан, ишлар Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонуни асосида ташкил этиб, дастлаб микросармоялаш моҳиятини тушунтириш билан биргаликда вилоятлар, туманлар ва ҳар бир маҳалла, қишлоқ ҳамда овул бўйича микросармоялаш дастурлари тузилди. Яъни, вилоят ва туман ҳокимликлари, Савдо-саноат палатасининг ҳудудлардаги бўлинмалари ва маҳалла бошқаруви тизими мутасадди ходимлари билан биргаликда жойларда ҳар бир хонадонга кириб, уларда тадбиркорликнинг қандай тури билан шуғулланиш истаги борлигини ва микросармояга бўлган талаблари аниқланди. Олинган маълумотлар дастур сифатида мужассамлаштирилди. Унда ҳар бир кредитга талабгорнинг исми-шарифи ва микрокредит бериш манбалари аниқ кўрсатилди. Мазкур дастур ойма-ой тўлиқ бажарилиб келинмоқда. 2006 йил давомида кичик бизнес субъектларига 25 миллиард сўм миқдорида микрокредит ажратилди ва микролизинг хизматлари кўрсатилди.

— ***Микросармоялаш ишларини такомиллаштириш, қоғозбозликни камайтириш бўйича қандай янгиликлар қўлланилмоқда?***

— Микрокредитлар учун фақат учта ҳужжат талаб этилади. Микросармояларнинг қайтарилишини кафолатлайдиган ҳужжатларни тақдим этган тадбиркор тезда микрокредит олиши мумкин.

Бюрократия ва расмиятчиликнинг олдини олиш учун тизимда банд бўлган барча ходимлар аттестациядан ўтказилди. Семинар ва бошқа ўқув жараёнларида банк ходимлари олдига ҳар бир оила учун реал даромад манбалари яратиб бериш ишига фидокорлик ва ҳалоллик билан ёндашиш вазифа қилиб қўйилди.

Бундан ташқари, микрокредит берилиши ва микролизинг хизматларининг ўз вақтида кўрсатилишини назорат қилиш учун тизимда мониторинг хизмати ташкил қилинди. Мониторинг гуруҳи ходимлари банкка берилган ҳар бир аризани назорат қиладилар ва ўз вақтида ҳал қилинмаганлари учраса, бунинг сабабларини ўрганиб чиқиб, банк бошқарувига маълумот тақдим этадилар.

— ***«Микрокредитбанк»нинг «Ижтимоий ҳимоя йили»даги режалари ҳақида ҳам тўхталсангиз.***

— «Ижтимоий ҳимоя йили»да банкимиз томонидан амалга ошириладиган ишлар дастурини ишлаб чиқдик. Унда мамлакатимиздаги ҳар бир оила микромолиялаш ташкилотимизнинг диққат-эътиборида бўлиши белгилаб қўйилган. «Микрокредитбанк» зиммасида яна бир қатор устувор вазифалар ҳам борки, уларни бажариш орқали «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг яна ҳам халқчиллигини таъминлаган бўламиз.

Суҳбатдош: Назокат УМАРОВА

❖ Аждодларимиз мероси

БОБУР ВА «БОБУРНОМА»

Мустақиллик бизга кўҳна ва бетакрор тарихимизни чуқур ўрганишга, ўзлигимизни англашга кенг имконият яратиб берди. Биз бугунги кунда жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ аждодларимиз фаолияти ва бебаҳо меросининг ҳозирга қадар пинҳон ётган қирралари билан кенг жамоатчилик, бутун халқимизни таништириш мақсадида изланишлар олиб бораяпмиз.



Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг 47 йиллик умри мобайнида каттагина шеърлар тўплами тузди, «Мубаййин», «Росолаи волидия» номли шеърий асарларини яратди, жаҳонга шуҳрати кетган қомусий асар — «Бобурнома»ни ёзди, аруз, қофия, мусиқа ва ҳарб ишига оид рисолалари билан илмга катта ҳисса қўшди. Афсуски, унинг қофия, мусиқа ва ҳарб ишига оид рисолалари тақдири ҳамон номаълумлигича қолмоқда.

Шоир лирикаси маълум даражада унинг таржимаи ҳолидир. Шу маънода Бобурнинг ўйноқи ва таъсирчан, содда ва равон тилда айтилган шеърлари ҳаётий ҳодисалар ва турмуш воқеалари замирида намоён бўладиган қалб туғёнларини ифодалайди. Унинг тушунчасидаги севги — садоқат, вафодорлик ва олижаноблигидир. Шоир ишқ-муҳаббатни молу дунё, мансаб ва барча ҳузур-ҳаловатлардан юқори қўяди. Шу боис Бобур ўзининг ажойиб ғазалларида юксак бадиий воситалар орқали маҳбуба қиёфасини маънавий гўзал, мазмунан бой, зоҳиран мислсиз чиройга эга қилиб тасвирлайди.

Бобур шеъриятидан инсон камолотидаги ахлоқий ва маънавий масалаларга ҳам кенг ўрин берилган. Шоир инсонни улуғлайди, унга ҳурмат назари билан қарайди, қадр-қимматини юқори кўтаради. У дўстлик, биродарлик, Ватанга садоқат каби сифатларни олқишлайди. Бобур фикрича, худбинлик, хасислик, риёкорлик каби ярамас иллатлар инсонни ҳалок этади. У кишининг ҳаёти яхшилик, мурувват, олижаноблик, тўғрилик каби олий мақсадларга қаратилиши керак деб билади. Улуғ шоир кишида мансаб ва давлатга эришиб ғурурланмаслик, аксинча камтарин бўлиш каби инсоний фазилатлар камол топишини истайди.

Улуғ ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бизга қолдирган бебаҳо хазинаси — бу шубҳасиз «Бобурнома» асаридир. «Бобурнома» фақат тарихий асар эмас. Унда ўша даврдаги бир қатор фанлар — жўғрофия, наботот, ҳайвонот, этнография, ҳарбий усул ва бошқаларнинг илмий ютуқлари ҳам ўз ифодасини топган. Бобур ушбу бебаҳо асарида ўша даврга хос воқеаларни тасвирлар экан, тоғ ва далалар, кўл-дарёлар, хилма-хил ўсимликлар, турли ҳудуд ва минтақаларнинг ерости ва ерусти бойликлари, халқларнинг урф-одати, тили, адабиёти, санъати, айрим сўзларнинг келиб чиқиши каби масалалар билан ҳам астойдил қизиқади.

Асарда мамлакат ва ўлкалар, шаҳар-қишлоқларнинг сиёсий тарихи билан бирга табиати, хўжалиги, илм-фани, маданияти ва бошқа жиҳатлари ҳам мукаммал тасвирланади. Масалан, Кобул вилоятини тасвирлар экан, унинг жўғрофий ўрни, чегаралари, яйловлари, ўсимлик, мевалари, дарё-кўллари, аҳолисининг касб-кори, урф-одати, тили, савдо-сотиқ ишлари ва бошқалар ҳақида батафсил маълумот беради.

«Бобурнома»да ана шундай хилма-хил маълумотлар шу даражада кўп учрайдики, илм-фаннинг деярли барча соҳаларидаги мутахассислар бу асардан бахраманд бўла олади. Бу далилларнинг ҳаққонийлиги туфайли тарихчи ўша даврдаги Ўрта Осиё, Хуросон, Афғонистон, Ҳиндистон тарихига тегишли муҳим маълумотларга эга бўлса, табиатшунос мазкур ўлкаларнинг топографияси, иқтисодий жўғрофиясига оид янгиликларга, биолог олимлар эса мамлакатнинг ҳайвонот оламига тааллуқли билим ва тасаввурга эга бўлади...

Ўзининг ана шу фазилатлари билан «Бобурнома» мана беш асрдирки, бутун дунёда кўплаб соҳа олимларининг диққат-эътиборини жалб қилиб, улар томонидан юксак баҳоланиб келмоқда.

Шу билан бирга, юқорида айтиб ўтганимиздек, «Бобурнома» ажойиб насрий асар, ўзбек бадиий адабиётининг нодир ёдгорлиги ҳам ҳисобланади. «Бобурнома»нинг асосий тасвир мавзуи тарихий воқеалардир. Бироқ, Бобур воқеаларни шунчаки санаб ўтиш ёки улар ҳақида маълумот бериш билан чекланиб қолмайди. У ўша воқеалар манзарасини, тарихий шахсларнинг ташқи, ички қиёфасини моҳирона тасвирлаб, ёркин ва бетакрор табиат лавҳаларини ранг-баранг бўёқлар ёрдамида ифодалаб беради.

«Бобурнома»даги воқеалар ҳар хил вазиятларда зиддиятлар орқали ривожланиб боради. Улар бир-бири билан ана шу воқеаларда бевосита иштирок этган. Бобур сиймоси орқали боғланади, ўзига хос кульминация ва ечим касб этади. Мана шу хусусиятлари билан «Бобурнома» китобхонни завқ ва ҳаяжонга солади, уни ўзига бутунлай мафтун қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, Бобур ушбу асарлар билан ўзбек адабиётининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган ўлмас сўз санъаткорларидан биридир.

Мумтоз шоир ва аллома Заҳириддин Бобурнинг ижоди ва фаолияти айни замонда Марказий Осиё халқлари билан қўшни Афғонистон, Ҳиндистон халқлари ўртасидаги қадимий тарихга эга бўлган муносабатларнинг узвий ҳалқаси бўлиб келмоқда. Бугунги кунда унинг ижодий меросини дунёдаги кўплаб тадқиқотчилар қатори ҳинд, афғон олимлари, покистонлик, бангладешлик алломалар ҳам қунт билан ўрганмоқдалар. Буюк ватандошимиз ҳақида мазкур мамлакатларда кўплаб илмий асарлар, қисса ва романлар, бадиий фильмлар яратилгани, музейлар барпо этилгани, айниқса, диққатга сазовор. Уларнинг барчасини ҳар томонлама ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш бобуршунос олимларимизнинг олдида турган энг муҳим вазифаларидан биридир.

Саидбек ҲАСАНОВ,
ЎзРФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи директори, филология фанлари доктори, профессор

Суратда: *Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Андижондаги ҳайкали.*

ЯНГИ СПОРТ ИНШООТЛАРИ

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Шу пайтгача Коғон шаҳрида болалар шуғулланадиган спорт мажмуи деярли йўқ эди. Президентимизнинг 2006 йил 26 декабрда қабул қилинган «2007 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг манзили аниқ дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори асосида дастурга киритилган вилоятдаги 9 та объектнинг бири бўлган бу иншоотни тендер савдолари танловида ғолиб чиққан Бухоро шаҳридаги «Мир Кулол» хусусий қурилиш-монтаж фирмаси жамоаси тезкорлик билан қуряпти.

Лойиҳа қиймати 193 миллион сўмлик бу янги спорт иншооти шу йилнинг август ойи охирида қуриб битказилиши режалаштирилган.

Жондор туманидаги собиқ «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг бўш ётган катта клуби ҳам қайта реконструкция қилиняпти. Бу иш ниҳоясига етказилгач, шинамгина спорт мажмуи вужудга келади. «Пешку монтаж» хусусий фирмаси жамоаси бу масканни тезроқ фойдаланишга топшириш учун ғайрат қилмоқда. Бу ерда ёш баскетболчи, волейболчи, курашчи, мини футболчилар шуғулланади.

Манзилли дастурга киритилган 9 та объект қурилишига эса 987 миллион сўм маблағ сарфланиши ҳамда янги спорт иншоотлари вужудга келиши вилоятда баркамол авлод учун нечоғли катта имконият эшиклари очилишидан далолатдир.

Даврон БАҲРОНОВ

ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

2008 йили Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган футбол баҳсларининг Осиё минтақаси дастлабки саралаш учрашувлари кеча ниҳоясига етди. Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси Тожикистон футболчиларига қарши майдонга тушди.

Мазкур жамоаларнинг бундан бир ҳафта муқаддам Тошкентда уюштирилган биринчи ўйинида ҳамюртларимиз 4:1 ҳисобида ғалаба қозонишганди. Бош мураббий Вадим Абрамов жавоб учрашуви олдидан айрим футболчилар хизматидан ҳозирча воз кечишга қарор қилди. Жумладан, Душанбе сафари арафасида дарвозабон Элдор Тожибоев («Пахтакор»), ҳимоячи Тимур Яфаров («Локомотив»), ҳужумчилар Фарҳод Тожиев («Пахтакор»), Шавкат Саломов («Бухоро»)лар терма жамоа таркибига жалб қилинмади.

Ушбу ўйинда футболчиларимизни дуранг ёки кичик фарқ билан мағлубият ҳам қониқтирарди. Аммо олимпиячиларимиз ҳужумкор руҳда майдонга чиқишди. Бу ўз самарасини берди — 0:2. Вакилларимиздан тўпларни Марат Бикмаев ҳамда Анзур Исмоиловлар киритишди. Шундай қилиб, икки ўйин натижасига кўра, Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси кейинги гуруҳ саралаш босқичига йўлланма олди.

Эркин ХОЛБОБО



ЭПЧИЛЛАР ВА ДОВЮРАКЛАР

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси ва «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуи билан ҳамкорликда тоғ машқлари мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳридаги 21-Меҳрибонлик уйи, 58-, 172-мактабларнинг ўқувчилари қатнашдилар.

Мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдан иборатдир.

Иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, тоғ-дарё сувлари ва тўсиқлардан ўтиш, тоғ шароитида чодир тикиш ва уни йиғиш борасида баҳслашдилар. Шу тариқа кучлилар сараланди.



Суратларда: *мусобақалардан лавҳалар.*
Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

❖ Мутахассис билан суҳбат

ВАЛЕОЛОГИЯ НИМА?

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти тадқиқотчиси, ёш олима, Валеология дастурининг тузувчиларидан бири Гулсанам ТИЛЛАЕВА билан янги дастур ҳақида суҳбатлашдик.

— Гулсанам опа, валеологиянинг ўзи нима? Унинг тадқиқот объекти, предмети, вазифалари нималардан иборат?

— Ўтган йили Республика олий таълим тизимида «Валеология» курси жорий қилинди. Ушбу дастурни устозим фалсафа фанлари доктори, профессор Хотима Шайхова билан ишлаб чиқдик. Валеологиянинг ўзаги «vale» лотинча сўз бўлиб, қадимги римликларнинг одатига кўра, саломлашиш, яъни «сизга саломатлик тилайман», грекчадаги «logos» эса «фан, таълимот» деган маънони англатади. У соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг усул ва услубларини ишлаб чиқувчи ҳамда уларни амалиётга жорий этишга кўмаклашувчи фан тармоғидир.

Эътироф этиш лозимки, инсон танасининг саломатлиги унинг соғлом турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, энг аввало, саломатликнинг ўзи нималигини тушуниб олмоқ мақсадга мувофиқдир. Саломатлик — одам организмининг биологик, руҳий, жисмоний ҳолатлари ва меҳнат фаолиятининг мувозанатлашган бирлиги, сиҳат-саломатлик ҳар бир киши учун бахт-саодат, унинг меҳнат унумдорлигини, мамлакатнинг иқтисодий қудратини, халқ фаровонлигини таъминлашнинг зарур шартидир.

— Валеология тушунчаси илк бор қачон ва ким томонидан ўртага ташланган. Унинг маънавиятга таъсири қай даражада эканлиги ҳақида тўхталсангиз.

— Валеология тушунчаси илк бор 1982 йилда тиббиёт фанлари доктори И.Берехман томонидан қўлланган ва тиббиёт, психология, фалсафа ҳамда бошқа фанлар амалий натижаларининг интеграциялашуви асосида юзага келган фан тармоғи сифатида эътироф этилган. Илк валеология кафедраси Санкт-Петербург тиббиёт ходимлари малакасини ошириш институти базасида академик В.Петленко томонидан ташкил этилган. 1995 йилда Новгород давлат университети ректорининг буйруғига асосан «Валеология ва тиббиёт фанлари асоси» ташкил этилиб, нотиббий мутахассисликларнинг барча йўналишлари учун мажбурий курс сифатида жорий этилган. Бундан ташқари, Россия педагогика олий ўқув юртларида «Педагогик валеология» курси киритилди. Бироқ дастлабки босқичларда валеологияга тиббиёт, руҳшунослик ва гигиена қонуниятлари нуқтаи назаридан ёндашилган эди. Энди эътироф этиш лозимки, валеология билан махсус шуғулланувчи тадқиқотчилар бу фаннинг, айниқса, умуминсоний, миллий, экологик хусусиятларига алоҳида эътибор беришлари лозим. Зеро, инсон соғлом турмуш тарзи нафақат унинг саломатлиги, руҳий мувозанати ёки ейдиган таомига, балки унинг ахлоқий тарбиясига, маънавиятига, бир сўз билан айтганда, ижтимоий муҳит билан чамбарчас боғлиқ.

— Ушбу таълимотнинг халқимиз тарихига ҳам дахлдорлиги борми? Бу фаннинг инсон ҳаётида тутган аҳамияти нимадан иборат?

— Шарқда валеология, яъни соғлом турмуш тарзи ҳақидаги фикрлар зардуштийлик динининг муқаддас китоби — «Авесто»даёқ илгари сурилган эди. Митра, Анахита, Ардивиссура, Варахрана, Йима сингари маъбудалар орқали аждодларимиз инсонларга яхшилик қилиш, манзилларни ободонлаштириш ва серҳосил экин экиш, дарахтларни ўстириш учун жамоа ҳаракати хусусидаги мулоҳазаларни мужассамлаштирганлар.

Жамиятда соғлом ва баркамол авлод тарбиясининг шакланиши бевосита инсон фаолияти билан боғлиқ. Инсон жамият таянчи, куч-қудрати, соғлом авлод келажагимиз эгаси. Президентимизнинг 1993 йил 23 апрелдаги «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича давлат дастурларининг қабул қилинганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Инсоннинг маънавий қиёфаси ва соғлом турмуш тарзи эса унинг ўз ҳис-туйғуларини қандай бошқара олиши билан боғлиқ. Инсонга ҳаётнинг гултожи деб қарар эканмиз, инсон камолоти ва соғлом турмуш тарзи, маънавиятини ривожлантириш соғлом ва жисмонан бақувват бўлишга, руҳиятни поклашга, ахлоқий етук бўлишига хизмат қилади. Демак, валеологиянинг асосий мақсади — баркамол инсонни тарбиялашдан иборат.

Валеологияни шакллантиришнинг асосий тамойиллари, унинг мазмун-моҳияти маънавий меросимизда, буюк аллома ва мутафаккирлар қарашларида ҳам ўз аксини топган. Абдулла Авлоний ёш авлод тарбиясини нисбий равишда қуйидаги тўрт бўлимга ажратади: **«Тарбиянинг замони», «Бадан тарбияси», «Фикр тарбияси», «Ахлоқ тарбияси».** Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм-маърифатга эга бўлиш учун баданни тарбия қилиш зарур. **«Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи эса инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, касалсиз жасад лозимдир».**

Абдурауф Фитрат жисмоний тарбияга, кишининг саломат ва бақувват бўлиб тарбияланишига алоҳида эътибор қаратади. У болаларнинг тоза ҳавода бўлишлари, атроф, табиат гўзалликларидан эстетик завқ ола билишларига ҳам алоҳида аҳамият беради. **«Ҳаво инсон учун овқатдан ҳам муҳимдир. Беш-олти соат овқатсиз туриш мумкин, бир дақиқа ҳавосиз туриш мумкин эмас. Шунинг учун гўдакларни ҳамма вақт соф ҳавога, боғ-чарбоғларга олиб чиқиш лозимдир».**

Янги жамият учун кураш ҳар доим маънавият, маърифат, соғлом турмуш тарзи орқалигина амалга оширилади. Чунки жисмоний, ақлий, ахлоқий тарбия уйғун жамиятдагина комиллик юзага келади. Комил инсонлари бисёр жамият эса мустаҳкам бўлади.

Суҳбатдош: Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

Тошкент шаҳар, Яккасарой туманидаги 126-ўрта мактаб томонидан Муқаддас Исроиловна Ҳасанова номига 1992 йил 22 июнда берилган АА№079275 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

2006 йилда Тошкент банк коллежи томонидан Авдинов Бахтиёр Кахарманович номига берилган К №056031-сонли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Частное предприятие «SHOHONA TAOM SERVIS» путем преобразования и правопреемства изменяет организационно-правовую форму на Общество с ограниченной ответственностью и увеличивает Уставный фонд с 25 000 до 833 333 сум.

Претензии принимаются по адресу: Шайхонтохурский район, м/в Гулобод, дом 36, кв. 27.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Ma`murjon PARPIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 146
14282 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.45
Topshirilgan vaqti — 22.15
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda